

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

2-2019

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Қ.Юлчиев	
Ўзбек шеърлятида лирик хронотопнинг ривожы	77
Г.Орипова	
Мустақиллик давры ўзбек шеърлятида халқ оғзаки ижоды анъаналары ва ўзига хосликлар	82
А.Акбаров	
Немис адабиётида Абулқосим Фирдавсий қисматининг бадиий талқинларига доир.....	87

ТИЛШУНОСЛИК

Ш.Турғунов	
Наманган болалар фольклорыда доимий ўйинлар ва уларнинг локал хусусиятлары.....	92
А.Бердиалиев	
Тил бирликларыро парадигматик ва синтагматик муносабатлар масаласыга оид мулоҳазалар	96
М.Абдулаттоев, С.Зокирова	
Конгруэнтлик ҳодисасы ва унинг контрастив лингвистикадаги ўрни	101
Д.Ашуров	
“Алпомиш” достоныда қўлланылган ўхшатишларнинг лингвокультурологик хусусиятлары	104

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

Д.Саимназарова	
Чет тилда матнни идрок этиб тушуниш хусусыда	108
А.Асимов, М.Ғофурова	
Масаланынг қисқа ёзуви устыда ижодий ишлаш	111

ИЛМИЙ АХБОРОТ

Т.Шадманов	
1917-1941 йилларда Ўзбекистонда зичлаш ва зичланыш уй-жой муаммосыни ҳал қилиш шаклларыдан бири сифатыда	115
С.Маннопов, А.Қамбаров	
Фаргона-Тошкент мақом йўналышининг фалсафий масаласыга доир.....	118
С.Содиқов	
Фуқаролик жамиятыга доир мумтоз назарияларнинг ривожланышы	120
Н.Усмонов	
Урбанизация ва ижтимоий ривожланыш.....	123
Н.Маҳмудова	
Исломий қоидаларнинг бадиий талқины	126
Ж.Дилмуродов	
А.Ж.Крониннинг «the citadel» асарыни инглиз тилидан ўзбек тилига ўгириш муаммолары	128
Н.Эргашева	
Инглиз тили Америка варианты грамматикасининг айрим хусусиятлары	130
Н.Хошимова	
Ассоциациялар индивидуаллигининг ташқи омиллары.....	134
Р.Абдуллаева	
Когнитив тушунчалар ва уларнинг мазмун-моҳияты.....	137
Л.Тешабоева	
Ўзбек ва инглиз адабиётида рамзий маъно ҳамда унинг хусусиятлары.....	140
Г.Эшбекова, Г.Ҳамроқулова	
Тарих фаныни ўқитишда ишчи дафтардан фойдаланышнинг аҳамияты	142
Д.Абдурахмонова	
“БОБУРНОМА”нинг янги немисча таржимасы хусусыда.....	145

ФАНИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ

Фидоий олим	148
--------------------------	-----

БИБЛИОГРАФИЯ

БИБЛИОГРАФИЯ	150
---------------------------	-----

МАСАЛАНИНГ ҚИСҚА ЁЗУВИ УСТИДА ИЖОДИЙ ИШЛАШ

А. Асимов, М. Ғофурова

Аннотация

Мақолада бошланғич синфларда масала ёзишга ижодий ёндашиш усуллари ёритилган.

Аннотация

В данной статье освещены способы творческого подхода к решению задач в начальной школе.

Annotation

This article covers the ways of creative approaches to solving problems in primary school.

Таянч сўз ва иборалар: масала тузиш, масаланинг қисқа ёзуви, масала саволи, масала шарти.**Ключевые слова и выражения:** составление задач, краткая запись задачи, вопросы задачи, условие задачи.**Keywords and expression:** formulating task, brief task, task, question of task, condition of task.

Масала устида ишлаш унинг мазмунини ўзлаштиришдан бошланади. Масала матни ўқилганидан сўнг маълумни номаълумдан, муҳимни номуҳимдан ажратиш, масалада берилганлар билан изланаётганлар орасидаги боғланишни очиш – бу, энг муҳим малакалардан бири, бундай малакага эга бўлмай туриб масалаларни мустақил ечишга ўргатиб бўлмайди.

Масала матни устида оғзаки ишлагандан сўнг унинг мазмунини математик терминлар тилига ўтказиш ва уни қисқа ёзув шаклида ифодалаш керак: масаланинг қисқа ёзувига ўргатиш биринчи синфдан оқ бошланади. Бунда у ўқитувчи раҳбарлигида бажарилади. Иккинчи синфдан бошлаб болалар мустақил равишда масаланинг қисқа ёзувини топадилар. Масала шарти мураккаб бўлганда, берилганлар орасидан муносабатларни тушуниб олиш қийин бўлган ҳолларда, шунингдек, янги турдаги масалаларни ечишда қисқа ёзувдан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Шуни унутмаслик керакки, барча ҳолларда ҳам қисқа ёзувни бажариш билан масала шартининг таҳлили ҳам амалга оширилади. Аслини айтганда, қисқа ёзувнинг вазифаси шундан иборат. Ҳақиқатан ҳам масала шартининг қисқа ёзуви ўқувчилар хотирасига таянч маълумот бўлиб, масала шартида нима берилган ва нимани топиш кераклигини аёний тушунтириш имконини беради.

Қуйидаги содда масала намунасида қисқа ёзувга қандай ўргатилишини кўриб чиқайлик.

Масала: Онаси 3 та кўйлак тикди, қизи эса ундан 2 та ортиқ кўйлак тикди. Қизи неча кўйлак тикди?

Масалада онаси ва қизи кўйлак тикканлиги ҳақида гап кетади. Шуни қисқа ёзамиз. Доскада ва ўқувчилар дафтарларида қисқа ёзувнинг биринчи элементлари пайдо бўлади:

Онаси-


Қизи-

Онаси тиккан кўйлак маълум. Қизиники ундан иккитага ортиқ.

Онаси-3та кўйлак.

Қизи-?. 2та кўйлак ортиқ.

Энди шу масала намунасида расм чизиш, шартли расм чизма чизиш жараёнини кўрсатайлик. Шартли расм шаклида:




А. Асимов – ФарДУ, физика-математика фанлари номзоди, доцент.
М. Ғофурова – ФарДУ бошланғич таълим услубиёти кафедраси ўқитувчиси.

Чизмалар ўрнига доирчалардан фойдаланилади.

Бу эса аёнийликдан абстракт фикрлашга ўргатишга дастлабки қадам бўлади.

I. Масала шартини чизма ёрдамида тасвирлаш:


Онаси тиккан кўйлақлар сонига 3 та катак узунлигидаги кесма олинади.



Қизи тиккан кўйлақларга 3 та кесма ва унга 2 та узунлигидаги кесма олинади.

II. Масалани чизма ёрдамида тасвирлаш.

Она тиккан кўйлақлар сонини ихтиёрий кесма орқали тасвирлаймиз. У ҳолда қизи тиккан кўйлақлар сонини онаси тиккан кўйлақлар сонини ифодаловчи кесмадан узунроқ қилиб чизамиз:




Юқоридаги усуллар аниқликдан маъхумликка ўтишдаги босқичларни ифодалайди ва ушбу масала шартини тўғри тушунишга ва уни ечишга ёрдам беради.

Иккинчи синфда кўпайтириш ва бўлишга доир бир амал билан ечиладиган масалаларнинг кўрилади. Бундай масалаларнинг қисқа ёзувини қандай амалга оширилганини кўриб чиқамиз.

Масала. 8та гулни 2 та гулдонга теппа-тенг қилиб солишди. Ҳар қайси гулдонга қанча гул солинган.

Бунда қисқа ёзувини чизма ёрдамида ифодалаймиз. Ҳар қайси гулни санок чўпи билан, гулдонни тўғри тўртбурчак шаклида ифодалаймиз:



Дастлаб “гулдон” га 1 та чўп қўйилади. Сўнгра яна биттадан ва ҳоказо.

$$8:2=4$$

Масалан: 2 та гулдон.

Бу ҳолда “қисқа ёзув” жараёнида масала ечими топилади.

Ўқитувчи турли предметлар орқали “марта ортиқ”, “марта кам” муносабатларини тушунтирганидан сўнг, қуйидаги кўринишдаги масалалар ечилади:

Масалан,

Столда 3 та китоб, шкафда эса ундан 2 марта кўп китоб бор. Шкафда нечта китоб бор?

Масаланинг қисқа ёзуви қуйидаги кўринишда бўлади:

Столда 3 та

Шкафда 2 марта ортиқ ?

Ечиш: $3 \cdot 2 = 6$ та китоб бор.

Масаланинг қисқа ёзувидан фойдаланиб, турли “янги” масалалар ҳосил қилиш мумкин.

Масалан, масала саволини ўзгартирайлик:

столда 3 та
шкафда 2 марта ортиқ } ?

Масала матни қуйидаги кўринишда бўлади:

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

Столда 3 та китоб бор. Шкафда эса ундан 2 марта кўп китоб бор. Стол ва шкафда ҳаммаси бўлиб қанча китоб бор?

Ечиш: $3 \cdot 2 = 6$ та

$3 + 6 = 9$ та. Жавоб: 9 та

Шу каби масалалардан “янги” масала ҳосил қилиб, ўқувчиларнинг ижодий фикрлаш қобилиятларини ривожлантиришга сабаб бўлади.

1. Қисқа ёзув бўйича масала тузинг ва ечинг:

Мухторда — 3 та қуён }
Саидда — ? , 2 та қуён кам }

2. Қисқа ёзувларни таққосланг. Улар бўйича масалалар тузинг ва ечинг:

I - 8

II - ?, 2 та кам

I-8

II-?, 2 та кам

Иккинчисида қанча бор . . . бор? Иккаласида қанча . . . бор?

Намунага қараб қисқа ёзув бўйича масала тузинг ва ечинг:

I — 5 литр }?
II — ?, 3 литр кам }

I — 4 м }?
II — ?, 2 м ортиқ }

Ечилиши:

5 — = литр }?
5 — = литр }

4 + = (м) }?
4 + = (м) }

Жавоб: 7 л

Жавоб: м

Содда масала қисқа ёзувининг шакли ҳар хил бўлиши мумкин. Қандай шаклни танлаш масала таркиби ва мазмунига боғлиқ бўлади. Ёзув шаклини танлаб, берилганларни ва изланаётганларни шундай жойлаштириш керакки, улар орасидаги боғланишлар энг тушунарли бўлиб кўриниб турсин. Масалани устун шаклида ёзиш қулай бўлади. Бу ҳолда ёзув математик мазмунни ёрқин ифодалайди, берилаётган ва изланаётганлар орасидаги боғланиш ёрқин кўриниб туради. [1,7]

Масалан, “ Анвар 4 та, Ботир 7 та балиқ тутди. Болалар ҳаммаси бўлиб нечта балиқ тутишди?” масаласида қисқа ёзувни бир сатрга жойлаштириш ва берилганларни катта қавс билан бирлаштириш қулай.

Анвар — 4 та }?
Ботир — 7 та }

Ўқитувчи болалар эътиборини катта қавсга қаратади. Қавс балиқлар сонини қўшиш, бирлаштириш кераклигини билдиради, савол белгиси эса балиқларнинг умумий сони номаълумлигини, уни топиш кераклигини билдиради. Шундан кейин ўқитувчи бу ёзув бўйича болаларга бир нечта савол беради: “4 сони нимани билдиради? 5 сони-чи? Қавс нимани кўрсатади?” Масалани ечишга болалар уни тўла такрорлаганларидан кейин киришадилар.

1- синфдан бошлаб шартли белгилардан ҳам фойдаланилади. Болага масалани тўғри ечиш учун амал танлашда қандай ёрдам бериш керак? Аввало масалани таҳлил қилиш керак, болаларни масалада айtilган аниқ вазиятни тасаввур қилишга, берилганлар билан изланаётганлар орасидаги боғланишни тушунишга ўргатиб бўлганидан кейин алоҳида кўргазма орқали бир хил предметларнинг мос сонларини қўйиш керак бўлади. Болага масалани тўғри ечиш учун нима муҳим эканини аниқлаш, агар ўқувчиларнинг бирортаси қизча масалада 4 та кўзиқорин ва 3 та кўзиқорин топилгани, ҳаммаси бўлиб нечта кўзиқорин топилгани муҳим экани билиш кераклигини, масала моҳияти шундан иборат эканини ҳам ишонтириш керак. Масаланинг қисқа ёзуви ва қилинган таҳлил ўқувчиларнинг амални тўғри танлашларига ёрдам беради. [2,26]

“Донхўракда 7 та қуш бор эди. Яна бир қушча учиб келди, ҳаммаси бўлиб донхўракка 10 та қуш кўнди. Донхўракка нечта қуш учиб келди?”

Масалани ўқиб, ўқувчилар ўқитувчи бошчилигида масалани ўқиб, ўқувчилар ўқитувчи бошчилигида биринчи маълумот ҳақида нима айтилган бўлса, ҳаммасини ажратишади, яъни масаланинг биринчи маъноли қисмини аниқлайдилар ва уни вертикаль чизиқ билан ажратиб қўйдилар. Шундан кейин шартнинг иккинчи ва учинчи маъноли қисмларини ажратадилар. Масалан, маъноли қисмларга қуйидагича бўлинади. "Донхўракда 7 та қушча бор эди. Яна бир қушча учиб келди. Донхўракка ҳаммаси бўлиб 10 та қуш қўнди. Донхўракка ҳаммаси бўлиб нечта қуш қўнди?"

Шундан кейин болалар ажратилган ҳар бир қисмда энг муҳим сўзларни ва сонларни ажратадилар. Ўқувчилар ушбуларни таъкидлайдилар: "7 та қушча бор". "Бир нечта қуш учиб келди". "Ҳаммаси 10 та қуш". "Нечта учиб келди?". Шундан кейин масалани қисқа ёзиш ўқувчига қийинлик қилмайди.

Кўрсатилган масалалар жуфтани қараш кейинчалик ўқитувчига шунга ўхшаш масала шартини ўқиш билан болаларга бу шартга доир саволнинг турлича вариантларини ўйлаб топишни таклиф қилиш имконини беради. Маълум шартга нисбатан саволни ўзгартириш билан боланинг битта ҳодисанинг ўзини ҳар хил томондан қараб кўриш мумкинлигини ўйлаб кўришга мажбур қилувчи машқдир. [3,17]

Бу вақтда ўқувчиларни диққат билан кузатиб, ўқувчилардан масалани таҳлил қилиш, масалани қандай ечиш кераклиги, масаланинг қисқа ёзуви қандай кўринишда бўлишини сўраш фойдалидир. Шу орқали масала ечишда ўқувчиларда қисқа ёзув малакасини шакллантиришга эришилади.

Адабиётлар:

1. Бикбаева. Н. У, Сиделникова Р. И., Адамбекова Г. А.. Бошланғич синфларда математика ўқитиш методикаси. –Т.: Ўқитувчи, 1996.
2. Аҳмедов М. , Абдурахмонова Н., Жумаев М. Э. Биринчи синф математика дарслиги. -Т.: Турон-иқбол, 2017 .
3. Аҳмедов М. , Абдурахмонова Н., Жумаев М. Э. Биринчи синф математика дарслиги методик қўлланма. -Т.: Турон иқбол, 2008.

(Тақризчи: Ш.Ханкелдиев – педагогика фанлари доктори, профессор)